

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
факультети**

ТУРСУМБАЕВА ЁҚУТХОН НУРИДДИН ҚИЗИнинг

РЕФЕРАТИ

**Мавзу: Туркия аҳолисининг механик ҳаракати
хусусиятлари**

Тошкент - 2014

КИРИШ

Жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб, ишчи кучининг халқаро ҳаракатчанлиги фаоллашган сари миграция жараёнларини тартибга солиш зарурияти орта боради. Миграция жараёнларини тартибга солиш икки даражада амалга оширилади: халқаро ва миллий даражада. Ташқи меҳнат миграциясини ташкил этишда, тажрибалар ва ахборотлар алмашинувида, бу жараённи тартибли ва самарали амалга оширишни таъминлашда миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича муайян тажрибага эга мамлакатлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида ишчи кучи экспортининг Туркия тажрибасини қўллаш, бир томондан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига, иккинчи томондан, ташқи иқтисодий фаолият таркибининг такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатади. Бундай амалиётни қўллаш учун республикамизда реал шарт-шароитлар мавжуд бўлса-да, улардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Мамлакатимизда ишчи кучи экспортини амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий масалаларнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, меҳнат миграцияси бўйича потенциал ҳамкор-мамлакатлар тўғрисидаги маълумотларнинг кам ўрганилганлиги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан ишчи кучи экспортини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш, меҳнат ресурслари миграцияси бўйича потенциал ҳамкор мамлакатлар меҳнат бозорини ўрганиш, миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар, жумладан, Туркия тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда ушбу тажрибадан республикамизда фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Рефератнинг мақсади жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашуви шароитида Туркияда миграция жараёнларини таҳлил этишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** қўйилган:

- Туркияда ишчи кучи миграциясининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни таснифлаштириш;
- глобаллашув шароитида Туркияда ишчи кучи миграциясини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш.


1. Туркияда ишчи кучи миграциясининг ривожланиш тенденциялари

Туркия ўзининг демографик ривожланиши хусусиятлари билан бошқа мамлакатлардан ажралиб туради. Унинг халқаро миграция жараёнларининг фаол иштирокчиси сифатида шаклланиши ҳам айнан демографик ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ.

Маълумки, мамлакатнинг демографик ривожланиши унинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, тарихий ривожланиши хусусиятлари, аҳолининг ёш, жинс ва миллий таркиби, мамлакатдаги ва жаҳондаги сиёсий вазият билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Туркиядаги демографик вазиятга баҳо беришда ҳам ушбу омилларни ҳисобга олиш лозим.

Ҳозирги кунда Туркиянинг аҳолиси 79,7 млн кишини ташкил этади (2012 йил 1 январь маълумотларига кўра). Аҳолисининг умумий сони бўйича у жаҳонда 17-ўринни эгаллайди. Европа Иттифоқи мамлакатлари билан солиштирадиган бўлсак, Туркиянинг аҳолиси фақат Германиядан орқада, холос. Аммо мутахассислар фикрича, 2020 йилга келиб аҳолининг умумий сони бўйича Туркия Германиядан ўзиб кетиши кутилмоқда.

Маълумки, аҳоли сонини аниқлашда бирламчи манба аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ҳисобланиб, Туркия Республикасида ҳозирги кунга қадар 12 марта аҳоли рўйхатга олинган. Биринчи марта рўйхатга олиш 1927 йилда амалга оширилган бўлиб, бу даврда аҳолининг умумий сони 13,6 млн. кишини ташкил этганлиги аниқланган. Мамлакатда аҳоли ўсиш суръатларининг юқорилиги ва ўлим даражасининг нисбатан пастлиги натижасида мамлакат аҳолиси сони 1955 йилда 24,1 млн. кишига, 1990 йилда 50,6 млн. кишига, 1997 йилда 62,8 млн. кишига, 2004 йилда 68,9 млн кишига ва 2011 йилда 79,7 млн. кишига етди. Бошқача қилиб айтганда 1927-2011 йиллар оралиғида Туркия Республикаси аҳолиси 5,9 мартага кўпайди.



Манба: http://statik.iskur.gov.tr/tr/rapor_bulten/2012_yili_faaliyet_raporu.pdf

1-расм.Туркия Республикаси аҳолисининг ўсиш динамикаси (млн киши)

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатда аҳолини дастлабки рўйхатга олиш даврида (1927 йил) мамлакатда аҳолининг йиллик ўртача ўсиш кўрсаткичи 2,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 1955-1985 йиллар оралиғида бу кўрсаткич 3,7 фоизга етди, аммо 1990-97 йиллар мобайнида 1,5 фоизга, 2011 йилга келиб эса 1,2 фоизгача пасайди. Бугунги кунда мамлакат аҳоли сонининг ўсиш суръати бўйича дунёда 98-ўринни эгаллайди.

Мамлакат бўйича аҳолининг зичлиги ҳар квадрат километрга 96 кишини ташкил қилади. Туркия табиий ўсиш кўрсаткичи бўйича жаҳонда 110-ўринда туради.

Таъкидлаш лозимки, табиий ўсиш даражасида юз берган ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий соҳанинг ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг ошиши, соғлиқни сақлаш соҳасида хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши билан боғлиқ. Гарчи бу кўрсаткич 1997 йилда ҳар минг кишига 38,8 дан 2000 йилда 28,9 гача, 2004 йилда 12,7 гача пасайган бўлса, 2007 йилда 16, 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра эса 17,6 гача ўсган.

Туркияда ўлим коэффиценти 6,1 промиллени ташкил қилади ва бу кўрсаткич бўйича у жаҳонда 161-ўринни эгаллайди.

Аҳолининг ўртача умр кўриши 72,8 ёш бўлиб (дунёда 125-ўринда), бу кўрсаткич 1955 йилда 45 ёшни ташкил қилган. Ўртача умр кўриш аёллар ўртасида 2004 йилда 73 ёшни, эркаклар ўртасида эса 68 ёшни ташкил қилган бўлса, мамлакатда ижтимоий инфратузилманинг янада яхшиланиши бу нисбатни 74,8 ва 70,9 ёшга етказди. Мамлакатда эркакларнинг аёлларга нисбати 102/100 га тенг.

Умумий аҳолининг 26,6 фоизни 15 ёшгача бўлганлар, 67,1 фоизини 15-65 ёшгача бўлганлар, 6,3 фоизини 65 ёшдан катта бўлганлар ташкил қилади. Мамлакат аҳолисининг ёш таркибидаги ўзига хос хусусиятларидан бири, бу аҳолининг 30 фоизини, XX аср 90-йилларнинг бошида эса хаттоки 35 фоизини 15 ёшгача бўлганлар, яъни меҳнатга қобилиятли ёшдан кичиклар ташкил қилади. Аҳолининг деярли ярми 35 ёшгача бўлган кишилардир. Бу эса турк миллатининг ёш миллат эканлиги ва туғилиш кўрсаткичларининг юқори эканлигидаг далолат беради.

Шунингдек мамлакатда ўртача умр кўриш даврининг узайишига қарамай, пенсия ёшидагиларнинг нисбати ҳали ҳам 6,3 фоизни ташкил қилмоқда. Туркия меҳнат қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборат эдики, яқин йилларгача меҳнат стажи аёлларда 20 йил, эркакларда 25 йил бўлган кишилар нафақа олиш ҳуқуқига эга эдилар. Мамлакатда минимал нафақа ёши тушунчасининг йўқлиги ҳатоки 38/43 ёшдагилар учун ҳам нафақа олиш имконини берар эди. Бу эса Туркияда нафақахўрлар сонининг кўпайиб кетишига олиб келди. Ҳозирги кунда эса мамлакатда минимал нафақа ёши 62 ёш этиб белгилаб қўйилди.

Мамлакат аҳолисининг 87,4 фоизи саводли бўлиб, бу кўрсаткич эркаклар орасида 95,3 фоизни, аёллар орасида 79,6 фоизни ташкил қилади. Улар орасидаги бундай катта фарқ мамлакатда ҳукм сураётган диний ва миллий кадриятлар билан изоҳланади.

Туркияда бирор марта ҳам аҳолининг миллий таркиби бўйича рўйхатга олишлар бўлмаган. Тахминий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, аҳолининг 70-75 фоизини турклар, 18 фоизини курдлар ва 12 фоизини бошқа миллат

вакиллари ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда аҳолининг тахминан 56-57 миллиони турклар, 14 миллиони курдлар, 2 миллиони араблар, 3 миллиони Шимолий Кавказ ортиликлар, қолган қисмини эса арманлар, греклар, боснияликлар, албанлар, сурияликлар, озарбайжонлар ва яҳудийлар ташкил қилади.

Мамлакатда аҳоли зичлиги 96 киши/кв.км.ни ташкил этсада, минтақалар бўйича у бир-биридан кескин фарқ қилади. Энг юқори зичлик Туркиянинг Истамбул шаҳрига хос бўлиб, бу ерда ҳар квадрат километрда 2444 киши тўғри келади. Кейинги кўрсаткичлар эса Кожали (413киши/кв.км), Измир (316), Хатай (242) ва Бурсада (241) кузатилади. Аҳоли зичлиги бўйича энг паст кўрсаткич Тунчели шаҳрига тўғри келади (12 киши/кв.км).

Аҳолининг мамлакат ҳудуди бўйича тақсимланиши бироз нотекис. Масалан аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлар - бу Мармар ва Қора денгиз соҳиллари, ундан кейин эса Эгей денгизига яқин ҳудудлар ҳисобланади. Мамлакат энг йирик ва аҳолиси энг зич бўлган Истамбулда 15 млн, Анкарада 6 млн, Измирда 3,5 млн. аҳоли яшайди. Мамлакатнинг энг кам аҳоли яшайдиган вилояти бу Ханяри бўлиб, бу ерда аҳолининг 82 фоизи турклар, 10,6 фоизи курдлар, қолган қисмини эса бошқа майда миллатлар ташкил қилади.

Жами аҳолининг 1/3 қисми Туркиянинг 4 та шаҳри – Истамбул, Анкара, Измир ва Бурса ҳиссасига тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳолининг ўсиш суръатларида ҳам минтақавий табақаланиш кузатилади. Хусусан, Туркиянинг 81 та вилоятидан 55 тасида аҳолининг ўсиши, қолган қисмида эса қисқариши кузатилмоқда. Туркия Статистика органи маълумотларига кўра, мамлакат аҳолисининг 75 фоизи шаҳарларда, қолган қисми қишлоқларда яшайди. Истамбул ҳудуди аҳолисининг 99 фоизи мегаполисларда яшайди, бу эса мамлакатнинг энг урбанизациялашган ҳудуди номига муваффақ бўлишига имкон беради. Энг кам урбанизациялашган ҳудуд бу Бартин вилояти ҳисобланиб, у ерда

аҳолининг бор йўғи 33,2 фоизи шаҳарларда яшайди. Мамлакатда урбанизациялаш жараёнлари 1955 йилларда кенг миқёсда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш жараёнларини фаоллаштириш билан бошланди. 1985 йилда биринчи марта шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпайгани, яъни шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги нисбат 53:47 бўлганлиги аниқланди. Аммо 1980 йилларда шаҳар аҳолисининг ўсиш кўрсаткичи 5,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 90-йилларда 2,8 фоизгача пасайиб кетди. 2003 йилда аҳолиси сони 1 млндан ортиқ бўлган 10 та шаҳар қайд этилди. Булар: Истамбул, Анкара, Измир, Конья, Бурса, Адана, Анталия, Ичель, Диярбакир ва Газиантеп шаҳарларидир. Табиийки, шаҳарларда туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиши кўрсаткичлари қишлоқларга нисбатан анча паст.

Сўнгги йилларда Туркия ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эришилган ютуқлар унинг бандлик таркибида ҳам ўз аксини топмоқда.

1-жадвал

Туркия аҳолиси бандлигининг тармоқ таркиби (фоиз)

	1980	2003	2004	2005	2009	2011
Қишлоқ хўжалиги	50	48	34	29	29,5	25,5
Саноат	12	14	18	24	24,7	26,2
Хизмат кўрсатиш	38	38	48	45	45,8	48,4

Манба: www.turkey.ru

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, агар 1980 йилда Туркия иқтисодиётида банд бўлганларнинг 50 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 25,5 фоизгача пасайган. Айни вақтда саноат ишлаб чиқаришида банд бўлганлар улуши таҳлил қилинаётган давр мобайнида 2,2 баробарга ўсиб 26,2 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 48,4 фоизга етди.

Шу билан бирга Туркияда аҳоли бандлигининг тармоқ таркиби ҳудудлар бўйича бир-биридан кескин фарқ қилишини таъкидлаш жоиз. Бу

энг аввало худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, уларнинг географик нуқтаи назардан қулай жойлашганлиги ва бошқа омиллар билан боғлиқ.

2-жадвал

Туркия Республика минтақаларида аҳоли сони ва бандлик таркиби (2013 й)

Минтақа номи	Аҳоли сони	Қ/Х соҳасида банд бўлганлар	Саноат соҳасида банд бўлганлар	Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар
Мармар денгизи ҳудуди	17,351	22	23	55
Эгей денгизи ҳудуди	8,953	47	13	40
Анатолия (Марказий) ҳудуди	11,625	48	10	44
Ўрта Ер денгизи	8,724	54	9	37
Қора денгиз ҳудуди	8,439	66	7	27
Жануби-Шарқий Анатолия	6,604	60	7	33
Шарқий Анатолия	6,148	68	3	29
Туркия	67,844	48	14	38

Манба: www.turkey.ru

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, жануби-шарқий Анатолия, Ўрта Ер ва Қора денгиз ҳамда Шарқий Анатолия минтақаларида қишлоқ хўжалигида банд бўлганларжами банд аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Мармар денгизи минтақасида эса саноат ва хизмат кўрсатишда банд бўлганларнинг улуши анча юқори.

Туркияда аҳоли ўсиш суръатларининг юқорилиги ва бунинг натижасида меҳнат ресурслари сонининг юқори суръатларда ўсиши меҳнат бозори фаолиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бунинг натижасида Туркия аҳолисининг бир қисми хорижий мамлакатлардан иш излаб кета бошлади.

XX асрнинг 2-ярмига келиб меҳнат миграцияси у ёки бу даражада дунёнинг ҳар бир мамлакатига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Уч минтақанинг Осиё, Европа ва Африка минтақаларининг чорраҳасида жойлашган Туркия географик қулайлиги қайсидир даражада мамлакатнинг

миграция хусусиятларини белгилаб берди. Тарихдан Туркия ишчи кучини етказиб берувчи, яъни донор мамлакат бўлиб, у иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ғарбий Европа мамлакатларига, 70-йилларга келиб эса Форс кўрфазига ишчи кучини экспорт қила бошлади.

1961 йилда Конституцияга мувофиқ мамлакат фукаролари эркин чиқиб кетиш ва кириб келиш имкониятини қўлга киритдилар. Айнан шу даврдан турк ишчи кучининг Ғарбий Европа мамлакатларига оммавий миграцияси бошланиб кетди, бу эса ўз навбатида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ушбу даврдаги миграциянинг ички омиллари қуйидагилардир:

- мамлакатнинг аграр соҳадаги аҳолисининг кўпайиб кетиши туфайли, Туркияда юқори даражадаги ишсизликнинг ҳукм суриши;
- инфляциянинг юқори кўрсаткичи;
- паст иш ҳақи ва ҳ.к.

Малакасиз ишчи кучининг мамлакатдан эмиграция қилиши ижобий омил деб қаралган. Бунинг сабаби эса малакасиз ишчиларнинг ривожланган мамлакатларга бориб малака орттиришлари ва уларни юқори технологияларни ўрганиш ва ундан фойдаланишга доир билимларидан улар мамлакатга қайтиб келганларидан кейин маҳаллий корхоналарда ишлатиши режалаштирилган.

Шуниси аҳамиятга молики, турк мигрантларнинг мамлакатга юбораётган валюта ўтказмалари ўша даврда Туркиянинг асосий даромад манбаларидан бири эди. Ўз навбатида Ғарбий Европа мамлакатлари иккинчи жаҳон урушидан сўнг бутунлай барбод бўлган инфратузилмани қайта тиклаш ва паст малакали ишларни бажариш учун арзон ишчи кучи дефицитига учраган эди. Шунингдек Туркия ҳукуматининг қатор ғарб давлатлари билан, масалан 1964 йилда Германия, 1961 йилда Нидерландия, Бельгия, Австрия, 1967 йилда Франция, Швеция ва 1970 йилда Швейцария билан турк мигрантларининг миграция қилиши ва кейинчалик иш билан таъминланишига доир қатор икки томонлама келишувларнинг имзоланиши

хар икки томонга ҳам манфаатли эди. Шу тариқа Туркия ҳукумати аввал бошданок бу каби алоқаларнинг ривожланишига ҳайрихоҳлик қилар ва ишчи кучи экспорти жараёнларини ҳукумат даржасида тартибга солар эди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, 1963-йилда Туркиянинг Европа ҳамжамиятига аъзо бўлишининг муҳим сабабларидан бири ҳам, бу аъзо мамлакатлар доирасида турк ишчи кучининг эркин ҳаракатланиши эди.

Туркияда Миллий хизмат қошида хорижда иш билан таъминловчи катор давлат восита агентликлари ташкил этила бошланди. Ушбу ташкилотлар келишувларга мувофиқ, мигрантларнинг сони ва навбатини тартибга солиш, тиббий маълумотнома бериш, зарур ҳужжатларни тўлдириш, шунингдек турк ишчилари ва хорижлик иш берувчилар билан шартнома имзоланишига ёрдам бериш каби ишлар билан шуғулланган. Юқори маош эвазига хорижда ишлашни хоҳловчиларнинг сони тобора орта бошлади. Мигрантларнинг пул ўтказмалари тобора мамлакатнинг асосий даромад манбаига айлана борди.

1970 йилларнинг бошига келиб турк мигрантларига давлат банкларида ҳисоб очилишига рухсат берила бошланди, бу эса уларга маблағларини маҳаллий валютада тўлаш имконини берувчи имтиёзли курсни кафолатлар эди. Шундан сўнг Туркияда ишчи инвестицияси банки ташкил этилиб, бу банк турк мигранталарининг маблағларини саноат лойиҳаларига киритиш билан шуғулланар, мамлакатига қайтиб келган мигрант эса ўз пули тикилган корхонада ишлаш имкониятини қўлга киритар эди. Вазиятдан фойдаланган ҳукумат махсус кооперативлар тузиб, унинг аъзоларини эса шартли равишда хорижга ишлашга жўнатиб, улар юборган пул мамблағларини тижорий ва инфратузилма лойиҳаларига инвестиция қилган. Шунингдек ҳукумат мигрантларнинг узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол маҳсулотларига бож тўловларини қисман камайтирган.

1976 йилга келиб Турк мигрантларининг пул ўтказмалари ҳажми қисқарди, бунга сабаб эса Туркияни ҳам четлаб ўтмаган 1973-74 йиллардаги

жаҳон энергетика инқироzi эди. Шунини ҳам айтиш жоизки, 2002 йилдан бошлаб 2005 йилга қадар пул ўтказмаларини ҳажми қисқариб келди.

3-жадвал

Турк мигрантларининг мамлакатга юборадиган пул ўтказмалари

Йил	Пул ўтказмаларининг ҳажми (\$)	Пул ўтказмаларининг ўсиш суръати	Пул ўтказмаларининг ЯИМ-даги улуши	Савдо баланси сальдосида пул ўтказмаларининг улуши (%)
1990	3246,0	106,8	1,6	34,4
1991	2819,0	86,8	1,4	38,7
1992	3008,0	106,7	1,4	37,2
1993	2919,0	97,0	1,2	20,7
1994	2627,0	90,0	1,5	63,0
1995	3327,0	126,6	1,5	25,3
1996	3542,0	106,5	1,5	34,5
1997	4197,0	118,5	1,7	27,9
1998	5356,0	127,6	2,0	38,2
1999	4529,0	84,6	1,8	46,4
2000	4560,0	100,7	1,7	20,7
2001	2786,0	61,1	1,4	82,8
2002	1936,0	69,5	0,8	30,3
2003	729,0	37,7	0,2	5,4
2004	804,0	110,3	0,2	3,5
2005	851,0	105,8	0,2	2,6
2006	1111,0	130,6	0,2	2,7
2007	1209,0	108,8	0,2	2,6
2008	1324,0	109,5	0,2	2,5
2009	1242,2	93,8	0,2	2,5
2010	1445,7	116,4	0,2	2,7
2011	1524,1	105,4	0,2	2,8

Манба: 1) Turkey and International Migration. SOPEMI Report for Turkey 2011/2012. Istanbul 2012.

Аммо 2006 йилдан бошлаб пул ўтказмалари миқдори аста-секин ўса бошлади. Бу ўсиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi бошлангунга қадар давом этди ва айниқса, 2009 йилнинг бошида пул ўтказмалари миқдори сезиларли даражада қисқарди. Масалан, 2008 йил январь ойида пул ўтказмалари 110 млн долларни ташкил қилган бўлса, 2009 йил январь ойида бу кўрсаткич 50 млн долларга тушиб кетди. 2009 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб пул ўтказмалари ҳажми ўса бошлади. Бироқ 2009 йилда 2008 йилга нисбатан турк мигрантларининг пул ўтказмалари қарийб 7 фоизга кам бўлди.

2010-2011 йилларда турк мигрантларининг пул ўтказмалари сезиларли даражада ўсган бўлса-да, сўнгги йилларда мамлакат ЯИМдаги пул

Ўтказмаларининг ҳажми жуда кам бўлиб, охириги 9 йид давомида бу кўрсаткич 0,2 фоиздан ошмаяпти. Хусусан, 2011 йилда пул ўтказмалари ҳажми энг юқори кўрсаткичга эришилган 1998 йилга нисбатан 71,6 фоизга кам бўлди. Бундай ўзгаришларга қуйидагилар сабаб бўлди:

- Туркияда сўнгги йилларда кузатилаётган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари натижасида аҳоли турмуш даражасининг ошиши;
- Туркия миграция салоҳиятининг пасайиши;
- бошқа Европа мамлакатларида мигрантларга нисбатан сўлланилаётган чора-тадбирлар.

Турк ишчи кучининг миграцион оқими нафақат мамлакатдаги ҳолатга, балки, Европа мамлакатларининг миграцион сиёсатига боғлиқ. 70- йиллардан сўнг Европа саноатининг илм талаб қилувчи ва экологик тоза ишлаб чиқаришга томон йўналтирилиши, шунингдек зарарли ишлаб чиқаришларнинг ривожланаётган мамлакатларга чиқариб юборилиши туфайли янги мигрантларнинг кириб келиши тўхтатилган, шунингдек уларнинг ўз ватанларига қайтиб кетишлари рағбатлантириган. Масалан, 1983 йилда Германияда янги қонун киритилиб, унга кўра, ўз ватанига қайтган ҳар бир мигрант ишчига 100 минг марка мукофот пули, шунингдек у билан қайтаётган ҳар бир оила аъзосига 50 минг марка пул берилган. Францияда эса бу кўрсаткич 70-100 минг франкни ташкил қилган. Турк мигрантларинг маълум қисми бу дастурлардан фойдалангач, дастлабки йилларда мигрантларнинг улуши кескин қисқариб кетди. Лекин кўпчилик бу мамлакатларга кейинчалик қайтиб келиш имкониятининг бўлмаслиги ва Туркияда ҳам ўзига мос ва бу каби ҳақ тўловчи иш жойини топа олмаслигини англаганлари учун бу таклифни рад этганлар. Шунинг учун кейинчалик ҳам, айниқса уларнинг оилаларини олиб келиш дастурларини амалга оширилиши билан, уларнинг сони ортишда давом этган. Оила аъзоларинг кириб келиши эса бутун бир туркларнинг яшаш кварталларини пайдо бўлшига олиб келди. Турк жамиятларинг компакт бўлиб, яшашлари уларнинг мамлакатга нисбатан адаптация жараёнларининг суст ривожланишига олиб келди.

Мигрантларнинг истикболи бўлмаган ишларда ишлаши, хориж тилини ўрганишидаги муаммолар туркларнинг ғарблик аҳолидан изоляция қилиб қўйди. Бу каби қийинчиликларга асосан 45 ёшдан катта бўлганлар учраганлар.

4-жадвал

Европа мамлакатларидаги турк фуқаролари 2010 й.

Мамлакат	Хорижда яшовчи турк фуқаролари		Ишлаётган турк фуқаролари	Вақтинчалик ишсиз турк фуқаролари
	Сони	%	Минг киши	Минг киши
Германия	2230701	65,2	661 784	176192
Франция	543990	15,9	192554	21275
Голландия	482406	14,1	104 000	13000
Великобритания	68426	2,0	23458	4279
Австрия	157380	4,6	72839	9381
Швейцария	95797	2,8	7200	3678
Дания	71847	2,1	33774	4406
Бельгия	51319	1,5	18155	6067
Жами	3421322	100	1026184	245251

Манба: Turkey and International Migration. SOPEMI Report for Turkey 2011/2012. Istanbul 2012.

2010 йил маълумотларига кўра, хорижда 3,4 млн турклар яшайди, шулардан 65,2 фоизи Германияда, 15,9 фоизи Францияда, 14,1 фоизи Голландияда яшайди. Германия турклар энг кўп яшайдиган етакчи мамлакат ҳисобланади. Бунга сабаб, иккинчи жаҳон урушидан сўнг ишчи кучига катта эҳтиёж сезган, шунингдек икки мамлакатнинг тарихий иқтисодий алоқалари омили туфайли турк ишчиларини ишга ёллашга деярли монопол ҳуқуққа эга давлат Германия эди. 1972 йилдаёқ турк диаспораси Германиянинг энг йирик этник гуруҳларидан бири ҳисобланар эди.

1972-2006 йиллар оалиғида 732,5 минг киши Германия, 1946-2005 йилларда 228,3 минг киши Голландия, 1985-2006 йилларда 129 минг киши Бельгия фуқаролигин қўлга киритди. 2006 йилга келиб хориж фуқаролигини олганларнинг умумий сони 1,480 минг кишига етди.

5-жадвал

Европа мамлакатларида фуқароликни қўлга киритган турклар

Мамлакат	Йиллар	Сони
----------	--------	------

Германия	1972 – 2006	732 524
Голландия	1946 – 2005	258 272
Бельгия	1985 - 2006	129 501
Австрия	1983 – 2005	111 300
Франция	1991 – 2002	66 575
Швеция	1990 – 2006	30 942
Дания	1980 – 2003	21 544
Великобритания	1989 – 2005	53 335
Швейцария	1990 – 1996	36 817
Австрия	1996 – 2006	39 446
Жами		1 480 256

Манба: http://statik.iskur.gov.tr/tr/rapor_bulten/2010_yili_faaliyet_raporu.pdf

Шунингдек Миллий бандлик хизмати 2010 йилда 70024 кишини 3 ойдан 2 йилгача бўлган шартнома билан МДХ (58,5%), Яқин Шарқ (34,2%) ва Европа мамлакатлари(6,8%) га ишчиларни юборди (1-илова). Муаммонинг яна бир томони шундаки, ғарб мамлакатлари мигрантлар ҳисобига ўзларидаги демография муаммосини маълум маънода ҳал қилмоқчилар. Маълумки, ғарб давлатларининг аҳолиси сезиларли даражада қисқармоқда, туғилиш қисқармоқда, аҳолининг ўсиши камаймоқда, аммо шу билан бирга умр кўриш узаймоқда, бу ўз-ўзидан иқтисодий фаол аҳолига босимни келтириб чиқарада ва мамлакатда ишчи кучи етишмай қолади. Аҳолисининг 67 фоизи 16 ёшдан 64 ёшгача бўлганлар ташкил қилган, Туркия эса ушбу мамлакатларнинг меҳнат ресурсларини қоплаб бериш имкониятига эга.

Ўз навбатида Туркияга ишчи кучи импорт ҳам қилинади. Мигрантларнинг катта қисми мамлакатга 1923-60 йилларда кириб келган. Мигрантларнинг асосий қисми туркий забон мусулмонлар бўлиб, улар асосан греклар, болгарлар, руминияликлар ва югославияликлардир. 1960 йиллардан бошлаб энг катта миграция оқими болгариядан кириб келан бўлиб, бунга сабаб Болгария ҳукуматининг турклар этник гуруҳини ажратиш сиёсати бўлган. 1989 йил мобайнидаги болгариялик туркларнинг оқими ҳукумат учун кутилмаган ҳол бўлди. Натижада Болгария ҳукумати билан музокаралар олиб борилиши ва режимнинг афдарилиши мигрантлар оқимини камайтирди. Янги Болгария ҳукуматининг сиёсати кўплаб туркларнинг қайтиб боришига

имконият яратди. Маълумотларга кўра, шу даврда 30000 та болгариялик турклар Туркияга кириб келган бўлса, шулардан 15000 таси қайтиб кетган. Лекин шундан кейин болгариялик туркларнинг Болгариядаги иқтисодий қийинчиликлар туфайли Туркияга туристик визалар билан кириб келувчи оқими бошланиб кетди. Аммо минтақадаги этносиёий низолар ва тартибсизликлар туфайли мамлакатнинг иммиграцион миқёси ва географиясини ўзгартириб юборди. Мамлакат Эрон, Ироқ, Югославия ва Косоводан келувчи кутилмаган миграция оқимларини қабул қилиш имкониятига эга бўлмай қўйди.

Шунингдек, мамлакат ичидаги миграция жараёнлари ҳам алоҳида эътиборга молик. 2007 йилда мамлакат фуқароларининг манзилини рўйхатдан ўтказиш тизимининг жорий қилиниш мамлакат ичидаги миграция жараёнларини кузатишда жуда асқотди. Кузатишларга кўра, биргина 2008 йилда 2,2 млн турклар мамлакатнинг бир қисмидан иккинчисига кўчиб ўз яшаш жойларини ўзгартирганлар.

Мигрантларнинг аксарият қисмини, яъни 92 минг кишини Анталия қабул қилган бўлсада, уларнинг 55 мингтаси кейинги йили ушбу ҳудудни тарк этганлар ва 36 минг киши доимий яшаш учун қолган. Бу кўрсаткичлар Анталияни мамлакатдаги энг оммабоп ички миграци ҳудудларидан бирига айлантирди.

Аммо умумий мигрантларни қабул қилиш бўйича рўйхатда биринчи ўринда Истамбул туради. Бироқ шаҳарда доимий яшаш учун қолувчи турклар ҳақида гап кетганда Истамбул ўз ўрнини Анталия, Бурса, Анкара ва Измирга бўшатиб бериб бу кўрсаткич бўйича 5-ўринни эгаллайди.

Шу билан Истамбул шаҳарни тарк этувчилар аҳолиси сонининг кўплиги билан ҳам 1-ўринда туради. Масалан, 2008 йилда Истамбулни 348 минг киши, Анкарани 126 минг киши, Измирни 89минг киши ва Анталияни 55минг киши тарк этган.

Анталияга асосан малакали ишчилар кўчиб келадилар. Ушбу ҳудудда туризм сектори гуллаб-яшнагани учун доими бўш вакансиялар мавжуд

бўлади. Шунингдек Туркиянинг Ўрта Ер денгизи минтақаси шовқин ва катта шаҳарларнинг беҳаловатлигидан дам олишни истаган нафақа ёшидагиларни кўплаб қабул қилади. 2008 йилда Истамбулдан Анталияга 10000 киши кўчиб келган. Шунингдек ушбу ҳудудга Анкара, Испарта ва Мерсиндан ҳам кўплаб ички мигрантлар кириб келади.

2. Туркияда ишчи кучи миграциясини давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари

Давлатнинг миграция жараёнларидаги иштироки тарихдан маълум. XIII-XIX асрлардаёқ ишчи кучининг эркин кўчиб юришини чеклаш бўйича тўсиқлар мавжуд бўлган. Ҳозирда ишчи кучининг эркин ҳаракати қатор ҳукуқий, маъмурий, маданий, тил, ижтимоий ва бошқа дастаклар ёрдамида тартибга солинади.

Ишчи кучи миграциясидаги ҳукуқий ва маъмурий тўсиқларни давлатнинг ўзи ўрнатиши ёки уларни бартараф этиши мумкин. Агар XX асрнинг ўрталаригача ишчи кучи ҳаракатини мамлакатлараро тартибга солиш асосан манфаатдор давлатларнинг икки томонлама шартномалари асосида амалга оширилган бўлса, кейинчалик, меҳнат соҳасида мамлакатлараро алоқаларнинг мураккаблашуви, жаҳон меҳнат бозорида фаолият кўрсатишнинг ташкилий-ҳукуқий асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Жумладан, 1953 йилда ИХТТ мамлакатлари, 1957 йилда эса Европа Ҳамжамиятига кирувчи мамлакатлар ҳам ишчи кучининг эркин ҳаракатини қувватлаб чиқдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишчи кучини экспорт қилувчи ва импорт қилувчи мамлакатларда миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ўзига хос хусусиятларга эга. Туркия халқаро меҳнат бозорида ҳам ишчи кучини экспорт қилувчи, ҳам импорт қилувчи мамлакат сифатида қатнашади. Шу сабабли Туркияда миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солишни икки жиҳатдан кўриб чиқамиз.

Туркияда иммиграцион қонунчиликнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

Касбий малака. Туркия Республикаси қонунчилигида мутахассислик бўйича билим даражаси ва стажи борасида қатъий талаблар мавжуд. Таълим борасида минимал ўрта мактабни тугатганлик ёки касб-хунар коллежини тугатганлик дипломи талаб этилади. Меҳнат стажи борасида камида 3-5 йил ва тавсиянома талаб этилиши мумкин.

Ишчиларнинг шахсига оид чекловлар. Туркия иммигрантларнинг соғлигига оид қатъий талаблар ҳам қўяди. Мамлакатга наркоманлар, рухий касал одамлар, СПИД вируси билан касалланганлар қўйилмайди. Иммигрантлар соғликлари тўғрисида Туркия консулхонаси томонидан тасдиқданган маълумотнома тақдим этишлари ёки махсус тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Иммигрантларнинг ёши борасидаги чекловлар улар ишлаши лозим бўлган тармоқларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўрнатилади. Одатда, бу чегара 20-40 ёшгача тебраниб туради. Энг жиддий қонуний талаб сиёсий ва ижтимоий йўналишлардаги иммигрантлар учун жорий этилади.

Қонунчиликда кўпинча олдин судланган, террористик ва фашистик ташкилотларга аъзо бўлганлар учун таъқиқлашлар жорий этилган.

Миқдорий чеклаш. Туркияда иммигрантларни қабул қилишда миқдорий чеклашлар жорий этилган, яъни уларнинг максимал сони белгилаб қўйилган.

Миқдорий чеклашлар иқтисодиёт миқёсида – меҳнат ресурсларига нисбатан хорижий ишчиларнинг максимал улушини белгилаш, алоҳида тармоқлар миқёсида – ушбу тармоқда банд бўлган ишчиларга нисбатан хорижий ишчилар улушини белгилаш, алоҳида корхона миқёсида – корхона ишчиларига нисбатан хорижий ишчилар улушини белгилаш ёки йил давомида мамлакатга кириб келаётганларнинг умумий сонини белгилаб қўйиш орқали амалга оширилади.

Ишчи кучини импорт қилишни давлат томонидан тартибга солишнинг миқдорий чеклаш усули тегишли қонунлар орқали амалга оширилади ва ҳукукий органлар томонидан назорат қилинади.

Иқтисодий тартибга солиш. Бу усул иммигрантларнинг сонини қисқартиришни таъминловчи маълум молиявий чекловларни жорий этади. Юридик шахслар, яъни баъзи мамлакатларнинг фирмалари хорижий ишчиларни маълум бир айланмага эришганидан кейин ёки давлат бюджетига маълум тўловларни амалга оширгандан кейингина ёллашлари мумкин.

Вақтли чекловлар. Туркияда мамлакатга кириб келган хорижий ишчиларнинг мамлакатда бўлишларининг максимал муддати белгилаб қўйилган. Муддат тугагандан кейин улар мамлакатни тарк этишлари ёки давлатнинг тегишли мутасадди органларидан муддатларини узайтиришлари керак бўлади. Мамлакатда талаба ёки стажёр мақомига эга шахслар мамлакатда қолишларини узайтиришлари учун рухсат берилмайди. Улар албатта мамлакатни тарк этишлари ва маълум бир муддатдан сўнг яна келишлари мумкин.

Географик имтиёзлар. Туркия иммиграциянинг географик ва миллий таркибини белгилайди. Бу усул, одатда, маълум мамлакатдан кириб келаётганлар сонини миқдорий квоталаш орқали амалга оширилади.

Таъқиқлар. Туркияда хорижий ишчи кучини ёллаш бўйича очиқ ва яширин таъқиқлар хорижликлар шуғулланиши мумкин бўлмаган касблар тўғрисидаги қонунларда келтирилган. Очиқ таъқиқлар хорижий ишчилар ишлаши мумкин бўлмаган тармоқлар ёки ихтисосликлар бўйича санаб ўтилади. Яширин таъқиқлар, аксинча, факат маҳаллий аҳоли ишлаши мумкин бўлган тармоқлар ихтисосликларини санаб ўтади ва бу йўналишда хорижликларнинг ишлашига йўл қўйилмайди.

Туркияда давлат томонидан ишчи кучини қабул қилишни чеклаш ва таъқиқлаш орқали тартибга солиш усуллари билан бир қаторда мамлакатдан иммигрантларни чиқариб юбориш борасида реэмиграцияни

рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ҳам қўлланилади. Бунинг асосий сабаби касаба уюшмаларининг ҳукуматга ўтказадиган таъсири ҳисобланади.

Реэмиграция борасида давлат томонидан амалга ошириладиган анъанавий чораларга қуйидагилар киради:

Реэмиграцияни рағбатлантирувчи дастурлар. Бу дастурларга ноқонуний равишда кириб келган иммигрантларни мамлакатдан мажбурий чиқариб юборишдан тортиб ватанларига қайтишни хоҳлайдиган иммигрантларга моддий ёрдам бериш билан боғлиқ чоралар киради.

Оммавий эмиграция қилувчи мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш дастурлари. Туркия Республикаси ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар билан ишчиларнинг пул ўтказмаларини инвестициялаш ва давлатга янги ишчи ўринларини яратиш мақсадида корхоналар куриш орқали ривожланаётган мамлакатларда реэмигрантлар учун иш жойларини яратишга ёрдам бериш тўғрисида келишувлар тузади.

Бундай корхонааар кооперативлар, қўшма корхоналар, акционер жамиятлари шаклида бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу дастак Германия томонидан Туркия нисбатан фаол қўлланилган эди. Бир қатор ҳолларда немислар пулига курилган янги турк компаниялари нафақат реэмигрантларни жалб этиш марказлари бўлиб қолди, балки Туркиядан Германияга йўналган эмигрантларнинг янги оқимини тўхтатиб қолди.

Туркия жаҳон меҳнат бозорида ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакат сифатида ҳам иштирок этади. Ишчи кучи экспортини самарали тарзда ташкил этиш учун эмиграция сиёсати юритилади.

Эмиграция сиёсати. Эмиграция сиёсатининг асосий мақсади ишсизликни камайтириш, ишлаётган эмигрантларнинг экспорт-импорт операцияларини баланслаштириш учун ишлатилаётган молиявий маблағлари кириб келишига кўмаклашиши, эмигрантларга хорижда муносиб ҳаёт шароитлари билан таъминланиши, эмигрантларнинг ўз ватанларига қайтиб

келиши уларнинг хорижда эгаллаган касблари, тўплаган тажрибалари ва малакалари билан мос келиши керак.

Туркияда ишчи кучи экспортининг муваффақиятли амалга оширилаётганлигини эмиграция сиёсатининг қуйидаги шакллари амалиётда самарали қўллаётгани билан изоҳлаш мумкин:

Эмиграция миқёси ва эмигрантларнинг сифат кўрсаткичларини тартибга солиш орқали мамлакат манфаатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсат. Туркиянинг эмиграция сиёсати ўз фуқароларининг эркин ҳаракатланишини таъминлашга қаратилган. Айни вақтда мамлакатда юқори малакали мутахассисларга нисбатан ва демографик ҳолат ёмонлашганда чегараланган эмиграция сиёсати олиб борилади.

Мамлакат иқтисодийтини ресурслар билан таъминлаш мақсадида ишлаётган – мигрантларнинг валюта маблағларини жалб этишга йўналтирилган сиёсат. Ушбу мақсадда Туркия банкларида эмигрантлар учун қулай фоиз ставкаларида ҳисоб рақамлари очилади, уларга ўзларининг молиявий воситаларини товар ва ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун фойдаланишга қулай шарт-шароитлар яратилади.

Хорижда ишлаш учун ишчи кучини ёллаш бўйича иқтисодий-ижтимоий кафолатлар билан таъминлай оладиган шартномалар ва иккиёқлама келишувлардан фойдаланиш орқали эмигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат. Туркияда меҳнат миграцияси бўйича халқаро келишувлар шартларининг бажарилишини, мигрантларнинг мамлакат ичида юзага келиши мумкин бўлган баҳсли муаммоларини ҳал қилиш ва уларнинг асосий ҳуқуқларига амал қилинишини назорат қилиш мақсадида муассасалар, фондлар, вакилликлар, махсус кишиларни ташкил этиш йўли билан бу масала ҳал этилади.

Ишлаётган мигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат. Ушбу масалани ҳал этиш учун Туркияда хорижда ишлаш учун фуқароларни ёллаш фаолиятига давлат томонидан мажбурий лицензиялаш жорий этилган. Лицензиялашнинг

мақсади керакли маълумот, ишлаш тажрибаси, ишончли халқаро алоқаларга эга ва фаолиятининг натижаларига моддий ва ҳуқуқий жавобгарликни ола биладиган ташкилотларгагина хорижда ишлашни ташкил этиш воситачилигини амалга ошириш ҳуқуқини беришдан иборат.

ХУЛОСА

XX асрнинг 2-ярмига келиб меҳнат миграцияси у ёки бу даражада дунёнинг ҳар бир мамлакатига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Уч минтақанинг Осиё, Европа ва Африка минтақаларининг чорраҳасида жойлашган Туркия географик қулайлиги қайсидир даражада мамлакатнинг миграция хусусиятларини белгилаб берди. Тарихдан Туркия ишчи кучини етказиб берувчи, яъни донор мамлакат бўлиб, у иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ғарбий Европа мамлакатларига, 70-йилларга келиб эса Форс кўрфазига ишчи кучини экспорт қила бошлади.

1976 йилга келиб Турк мигрантларининг пул ўтказмалари ҳажми қисқарди, бунга сабаб эса Туркияни ҳам четлаб ўтмаган 1973-74 йиллардаги жаҳон энергетика инқирози эди. Шунинг ҳам айтиш жоизки, 2002 йилдан бошлаб 2005 йилга қадар пул ўтказмаларининг ҳажми қисқариб келди. Аммо 2006 йилдан бошлаб пул ўтказмалари миқдори аста-секин ўса бошлади. Бу ўсиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошлангунга қадар давом этди ва айниқса, 2009 йилнинг бошида пул ўтказмалари миқдори сезиларли даражада қисқарди. Масалан, 2008 йил январь ойида пул ўтказмалари 110 млн долларни ташкил қилган бўлса, 2009 йил январь ойида бу кўрсаткич 50 млн долларга тушиб кетди. 2009 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб пул ўтказмалари ҳажми ўса бошлади. Бироқ 2009 йилда 2008 йилга нисбатан турк мигрантларининг пул ўтказмалари қарийб 7 фоизга кам бўлди.

2010-2011 йилларда турк мигрантларининг пул ўтказмалари сезиларли даражада ўсган бўлса-да, сўнгги йилларда мамлакат ЯИМдаги пул ўтказмаларининг ҳажми жуда кам бўлиб, охириги 9 йил давомида бу кўрсаткич 0,2 фоиздан ошмаяпти. Хусусан, 2011 йилда пул ўтказмалари ҳажми энг юқори кўрсаткичга эришилган 1998 йилга нисбатан 71,6 фоизга кам бўлди. Бундай ўзгаришларга қуйидагилар сабаб бўлди:

- Туркияда сўнгги йилларда кузатилаётган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари натижасида аҳоли турмуш даражасининг ошиши;
- Туркия миграция салоҳиятининг пасайиши;

- бошқа Европа мамлакатларида мигрантларга нисбатан сўлланилаётган чора-тадбирлар.

Туркияда ишчи кучи экспортининг муваффақиятли амалга оширилаётганлигини эмиграция сиёсатининг қуйидаги шакллари амалиётда самарали қўллаётгани билан изоҳлаш мумкин:

- эмиграция миқёси ва эмигрантларнинг сифат кўрсаткичларини тартибга солиш орқали мамлакат манфаатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсат;

- мамлакат иқтисодиётини ресурслар билан таъминлаш мақсадида ишлаётган — мигрантларнинг валюта маблағларини жалб этишга йўналтирилган сиёсат;

- хорижда ишлаш учун ишчи кучини ёллаш бўйича иқтисодий-ижтимоий кафолатлар билан таъминлай оладиган шартномалар ва иккиёқлама келишувлардан фойдаланиш орқали эмигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат;

- ишлаётган мигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат.

Ишчи кучи экспорти бўйича Туркия ва бошқа мамлакатлар тажрибаларини тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ишчи кучи экспорти сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ишчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

- ишчи кучи экспортига йўналтирилган дастурларни амалга оширишда умумдавлат манфаатларига риоя қилиш;

- ишчи кучи экспорти оқимини мамлакатнинг ижтимоий-демографик ва иқтисодий ҳолати ва ривожланиши, табиий-иқтисодий ҳамда экологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш;

- хорижга ишлаш учун кетаётган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш;

- ишчи кучи экспорти сиёсатини халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик тамойиллари билан уйғунлаштириш ва ҳ.к.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аверин А.Н. Миграция населения: учебное пособие. –М.: «Издательство РАГС», 2006. – 456 с.
2. Ата-Мирзаев О. Потенциал сельско-городской миграции молодежи в Узбекистане. – М.: 1999, С. 28.
3. Бояркин Г.Н. Государственное регулирование и системное моделирование миграционных процессов в России: Монография / Мин-во образования РФ, Омский гос. техн. ун-т. – Омск: Изд-во ОмГТУ, 2001.- 471 с.
4. Максакова Л.П. Миграция населения: проблемы регулирования. – Т.: Эльдинур. 2001. –180 с.
5. Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. “Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги” (илмий-ўқув қўлланма). Т.: “Университет”, 2006. 30-40 б.
6. Turkey and International Migration. SOPEMI Report for Turkey 2011/2012. Istanbul 2012.
7. İSTATİSTİK GÖSTERGELER Statistical Indicators 1923-2011 Turkish Statistical Institute, Printing Division, Ankara, 2012.